# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 15 сентябрь, № 182 (6617) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ёшларга оид давлат сиёсати** — давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

**ёшлар (ёш фуқаролар)** — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар;

**ёш оила** — эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл);

**ёш мутахассис** — олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини битирган, таълим муассасасини битирганидан сўнг олган ихтисослиги бўйича уч йил ичида ишга кирган ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган ихтисослиги бўйича ишлаётганига уч йилдан кўп бўлмаган ўттиз ёшдан ошмаган ходим;

**ёшлар тадбиркорлиги** — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти.

**4-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари**

Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

очиқлик ва шаффофлик;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши;

ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги;

ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги.

**5-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;

ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;

ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;

ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;

ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш;

иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш;

ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;

ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

(Давоми 2-бетда).

# САНОАТНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖИ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

### янги тармоқлар ўзлаштирилишида муҳим омил бўлаётир

*Кеча "Ўзэкспомарказ" мажмуида бир йўла иккита — "Полиграфия ва қадоқлаш — O'ZBEKinPRINT — O'ZuPACK — 2016" ҳамда "Кимё ва пластмасса саноати — Chemie & Plastex Uzbekistan — 2016" халқаро кўргазмалари иш бошлади.*

*Экспертларнинг фикрича, саноат маҳсулотларининг жозибадорлиги ортиб, харидоргир бўлиши кўп жиҳатдан қадоқлаш ҳамда полиграфия ютуқларига боғлиқ. Чунки рақобат кучайган бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилган товарларни бежирим воситаларда, кўркам дизайнда қадоқланган ҳолда тақдим этиш ўта муҳимдир. Айни шу жиҳат юртимизда янги тармоқ — қадоқлаш ва полиграфия саноати вужудга келишига туртки бўлди.*

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР






Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Ўзбекистон аграр ўлкадан изчил ривожланиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланди. Ҳозирги пайтда иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил қилаётгани ана шундан далолат беради. Айниқса, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат, тўқимачилик, фармацевтика, маиший электроника каби соҳаларнинг тараққий топаётгани, ўз навбатида, юқори сифатли ҳамда ноёб қадоқлаш материалларига бўлган талабни кучайтирмоқда. Натижада соҳага ихтисослаштирилган замонавий корхоналарга асос солиниши баробарида, мавжуд қувватлар техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилинаяпти. Бунинг самараси ўлароқ, саноат субъектларининг қадоқлаш ва полиграфия маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг асосий қисми маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан таъминланаётир. Ваҳолонки, бундан 20 йил муқаддам, асосан, оддийгина қадоқлаш воситаларидан фойдаланилар эди. Бугунги кунга келиб эса, уларнинг тури анча кўпайди. Сифати ҳам аъло даражада. Буюртмачи талабидан келиб чиқиб, хоҳлаган ранг ҳамда дизайнда, ҳаттоки, 3D форматидаги суратлар билан бойитилган қадоқлаш воситалари тайёрлаб беришнинг имкони мавжуд.

Халқаро кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, саноатни диверсификация қилиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ана шундай қувончли натижаларга эришилишида муҳим омил бўлди. Ушбу йўналишдаги ишлар йил сайин изчиллик касб этаётир. 2020 йилга қадар умумий қиймати 38 миллиард АҚШ долларилик 870 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилгани бунинг яққол далилидир.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган кўргазмалар ана шундай истиқболли лойиҳалар ижросини жадаллаштириш, янги ҳамкорлар топишда қўл келмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти, Савдо-саноат палатаси кўмагида "ITE Uzbekistan" компанияси томонидан ташкил этилган бу галги кўргазмаларнинг бирлашган экспозициясида Германия, Ҳиндистон, Италия, Канада, Хитой, Россия, Тайван каби ўндан зиёд мамлакатдан 50 дан ортиқ компаниялар қатнашаяпти.

(Давоми 3-бетда).

«Riga Food — 2016»:

## Ҳамкорлик учун қулай имконият

Латвия пойтахтида "Riga Food — 2016" XXI халқаро озиқ-овқат кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги салоҳияти ҳам намойиш этилди.

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

"Riga Food" Европанинг йирик озиқ-овқат кўргазмаси ҳисобланиб, мазкур тадбирда озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан бирга, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ҳамда маҳсулотларни сақлаш соҳаларидаги янгиликлар ҳам мутахассислар эътиборига ҳавола қилинади.

Жорий йилда ушбу халқаро экспозицияда дунёнинг 37 давлатидан 700 га яқин компания ўз маҳсулот ва хизматларини намойиш этди. Кўргазманинг очилиш маросимида Латвия Президенти Раймондс Вейонис, мамлакат Бош вазири Марис Кучинскис, деҳқончилик ишлари вазири Янис Дуклавс нутқ сўзлади.

"Riga Food — 2016" халқаро кўргазмасидаги Ўзбекистон миллий бўлмаси мамлакатимизнинг Латвиядаги элчихонаси томонидан Ригада фаолият кўрсатадиган "Uzbekistan Trading House" савдо уйи билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Тадбир доирасида иштирокчилар ҳамда меҳмонлар серқуёш Ўзбекистон заминида етиштирилган қишлоқ хўжалиги неъматлари намуналари, шунингдек, республикамиз иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, жумладан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий, "Ангрен" ҳамда "Жиззах" махсус индустриал зоналарида яратилган имкониятлар, замонавий тўқимачилик саноати маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Маълумки, юртимиз озиқ-овқат маҳсулотлари ўз таъми ва сифати билан нафақат Европа бозорларида, балки бутун дунёда ном қозонган. Шу боис кўргазма доирасида мамлакатимизда етиштирилган қуруқ мевалар, дуккакли неъматлар, полиз маҳсулотлари ҳамда тўқимачилик буюмларини Ўзбекистондан Латвияга ва Европанинг бошқа давлатларига мунтазам етказиб бериш юзасидан шартномалар имзолашга алоҳида қизиқиш билдирилди.

**«Жаҳон» АА.**
Рига

**ТАДБИР**

Қашқадарё вилоятида "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуида тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

## Юксак марраларни кўзлаган авлод

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқот ҳамда учрашувларда юртимизда истиқлол йилларида турли соҳаларда эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи ва фаолияти билан узвий боғлиқлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган мазкур тарғибот тадбирлари доирасида "Огоҳлик ва ҳушёрлик — тинч ва осойишта ҳаётнинг асосий шарти", "Тинчлик учун ҳар биримиз масъулмиз", "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" каби мавзуларда фильмлар намойиши, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказилди.

Уларда ўтган чорак аср давомида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилгани қайд этилди.

Хусусан, Шаҳрисабз технология касб-ҳунар коллежида маданият ва санъат намояндалари, адабиётшунос олимлар ҳамда педагоглар иштирокида уюштирилган мулоқотда ёшларимиз қўлга киритаётган оламшумул муваффақиятлар замирида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг халқимиз бахт-саодати йўлида амалга оширган буюк ишлари мужассам экани айтиб ўтилди.

(Давоми 3-бетда).

## Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш

### ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятида алоҳида аҳамият касб этади

Қайси соҳада бўлмасин, тежамкорлик муваффақиятларнинг бош омили ҳисобланади. Айниқса, саноатда ушбу йўлдан бориш нафақат маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш, балки катта миқдорда маблағни иқтисод қилиш имконини беради. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларини татбиқ этишга

АНЖУМАН

алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси шунда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 июлдаги "Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида "Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги юмушларни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**6-модда. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар**

Ёшларга оид давлат сиёсати давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

**2-боб. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар**

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қабул қилади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштиради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг боришини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этади ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш масалалари бўйича давлат органлари ва муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ҳамкорлигини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

тегишли ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун ёшларнинг эҳтиёжи мониторинги олиб борилишини ва баҳоланишини таъминлайди;

ёшларнинг бандлиги ва уларни ишга жойлаштириш сиёсати рўёбга чиқарилишини таъминлайди, меҳнат бозори ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш амалиёти мониторингини ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизими**

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи органлар ва муассасалар тизимига қуйидагилар киради:

таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;

маданият ва спорт ишлари бўйича органлар;

меҳнат органлари;

прокуратура органлари;

ички ишлар органлари;

адлия органлари;

мудофаа ишлари бўйича органлар.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиши мумкин.

**10-модда. Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

таълим сифатини оширишга, малакали кадрларни тайёрлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

манфаатдор органлар ва муассасалар билан биргаликда ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигининг таҳлилини амалга оширади ҳамда унинг натижалари асосида таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ёшларнинг таълими ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўради;

таълим муассасаларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида спорт секциялари, фан, техника тўгараклари ва ижодий тўгараклар, клублар ташкил этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга доир фаолиятда иштирок этади;

имконияти чекланган ёшларга ижтимоий-психологик ва педагогик ёрдам кўрсатади;

ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни тарқатиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тарғиботни ташкил этади;

ёшлар ўртасида тизимли тиббий текширувларни ташкил этади;

имконияти чекланган ёшларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, заҳарвандликка чалинган, руҳий ҳолати бузилган, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга чалинган ёш фуқароларни аниқлайди, уларни ҳисобга олишни, текширувдан ўтказишни, шунингдек тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ва ижтимоий мослаштиришни амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Маданият ва спорт ишлари бўйича органларнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Маданият ва спорт ишлари бўйича органлар:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бўлган интилишни ва спортга қизиқишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

ёшлар ўртасида халқ ўйинлари, миллий ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилишини ташкил этади;

ёшлар ўртасида бадиий ижодиётни, халқ ва ҳаваскорлик ижодиётини тарғиб қилишни амалга оширади;

ёшлар ўртасида кино, театр, мусиқа, хореография, тасвирий, цирк, халқ амалий санъатини ва эстрада санъатини ривожлантиришга, уларнинг ғоявий-бадиий ва ахлоқий савиясини оширишга кўмаклашади;

ёшлар ўртасидаги оммавий-маданий ва байрам тадбирлари ғоявий мазмун билан тўлдирилишини таъминлайди, ижодий уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўяди;

ёшлар ўртасида халқаро маданий, спорт алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда, конференциялар, кўргазмалар, спорт мусобақаларини ўтказишда иштирок этади;

ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашади, уларнинг ўз иқтидори ва истеъдодини тўлақонли намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратади;

халқаро ва республика миқёсидаги ижодий сафарларнинг ташкил этилишини ҳамда маданият ва спорт соҳасида ўтказиладиган кўрикларда, танловларда, фестивалларда, бошқа тадбирларда иқтидорли ва истеъдодли ёшларнинг иштирок этишини таъминлайди;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Маданият ва спорт ишлари бўйича органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Меҳнат органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Меҳнат органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг бандлиги даражасини тизимли асосда таҳлил қилади, уларнинг бандлигини таъминлашда иштирок этади;

ёшларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимни ташкил этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Меҳнат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Прокуратура органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Прокуратура органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Прокуратура органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**15-модда. Ички ишлар органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Ички ишлар органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятда иштирок этади;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

ёш фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ички ишлар органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**16-модда. Адлия органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Адлия органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Адлия органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**17-модда. Мудофаа ишлари бўйича органларнинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатлари**

Мудофаа ишлари бўйича органлар:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлигини ташкил этишда иштирок этади;

ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир тадбирларда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Мудофаа ишлари бўйича органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**18-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёш фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча моддий ёрдам кўрсатади;

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

ёшларни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорлик қилади;

тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**19-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этиши**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларда ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларни шакллантиришда, уларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган қилиб тарбиялашда иштирок этади;

соғлом ва баркамол ёшларни тарбиялашга, жамият ҳаётида уларнинг роли ҳамда фаоллигини оширишга доир тадбирларни ташкил этади ва ўтказади;

ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни, ёш фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни ҳамда рўёбга чиқаришни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга кўмаклашади;

фан, спорт, санъат ва маданият соҳасида ёшларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини эрта аниқлашга ҳамда ривожлантиришга кўмаклашади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантиришда, юқумли касалликларга ва бошқа ижтимоий хавфли касалликларга, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, заҳарвандликка, кашандаликка ҳамда ўзга зарарли иллатларга қарши курашишга доир профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда, ёшлар спортини оммавий ривожлантиришда иштирок этади;

ёшлар орасида экологик маданиятни оширишга, экологик таълим ва тарбияни ривожлантиришга кўмаклашади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёшларни ўқитиш билан шуғулланиши мумкин;

ёшларни тадбиркорликка жалб этишга, касбга йўналтиришга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга кўмаклашади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Давлат ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштирок этишини кафолатлайди ва таъминлайди.

**20-модда. Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши**

Оммавий ахборот воситалари:

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга, шу жумладан соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, жамият ҳаётида унинг роли ва фаоллигини оширишга, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни ёритади;

ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашишга доир тадбирларда иштирок этади;

ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, шунингдек фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш масалалари бўйича ҳамкорлик қилади.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**21-модда. Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари**

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган, ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришни ҳамда ҳимоя қилишни, шунингдек ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишни ўзининг мақсадлари деб биладиган, ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотдир.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат моддий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таълим муассасаларининг биноларидан, клублар, маданият ва аҳоли дам олиш марказларидан, спорт иншоотларидан ва бошқа иншоотлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти ўз уставида назарда тутилган, фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган биноларга, иншоотларга, уй-жой фондига, ускуналарга, ашёларга, маданий-маърифий ва соғломлаштириш учун мўлжалланган мол-мулкка, пул маблағларига, қимматли қоғозларга ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши мумкин.

Ўн тўрт ёшга тўлган шахс ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти аъзоси бўлиши мумкин. Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига аъзо бўлиш, аъзоликни йўқотиш шартлари ва тартиби, шу жумладан ёшига кўра унинг аъзолигидан чиқиш шартлари тегишли нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида белгиланади.

**3-боб. Ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш**

**22-модда. Ёшлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳамда қонунга мувофиқ ҳар бир ёш фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланади.

Ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

(Давоми 3-бетда).

# Спорт

# Паралимпиячиларимиз 24-медални қўлга киритди

*Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XV Паралимпия ўйинлари қизғин давом этаяпти.*

*Нуфузли мусобақада ўзбекистонлик спортчилар чинакам матонат ва ирода намойиш қилиб, барчамизга алоҳида фахр ҳамда ифтихор ҳиссини бағишловчи натижаларга эришишмоқда. Айни пайтгача 24 бор шоҳсупага кўтарилган вакилларимиз умумжамоа ҳисобида кучли ўнталикдан мустаҳкам жой эгаллагани ҳам ана шундан далолат беради.*

Куни кеча яна бир хушхабар олдик. Енгил атлетика бўйича 4х100 метрга эстафета баҳсларида қатнашган Миран Сахатов, Мансур Абдурашидов, Дониёр Солиев ва Фахриддин Ҳамроевдан иборат жамоамиз 43,47 сония натижа билан учинчи ўринни эгаллади ҳамда бронза медалга сазовор бўлди.

Олдинда паралимпиячиларимиз иштирок этадиган яна бир қатор беллашувлар бор. Умид қиламизки, Ўзбекистон спорт делегацияси жамғарган медаллар сони янада ортади.

# Очколар ҳисоби очилди

*Колумбияда минифутбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда йигирма тўрт мамлакат терма жамоаси ғолиблик учун кураш олиб бораяпти.*

*Мусобақа қоидасига кўра, олтита гуруҳдан биринчи, иккинчи ўринни эгаллаганлар ва энг яхши кўрсаткичга эришган тўртта учинчи ўрин соҳиблари кейинги босқичга чиқади.*



Дунё биринчилигида юртимиз вакиллари Колумбия, Португалия ва Панама терма жамоалари билан “А” гуруҳидан жой олганидан хабарингиз бор. Футболчиларимиз дастлабки турда панамаликларга 1:3 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган эди. Улар навбатдаги беллашувни бизнинг вақт билан кеча тонгда Колумбия жамоасига қарши ўтказишди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ўйинда ҳамюртларимиз жуда ишончли ҳаракат қилди. Ҳатто ҳисобда олдинда боришаётганди. Аммо сўнгги сонияларда ғалабани бой беришди. 5-дақиқада Жавлон Аноров, 15-дақиқада Дилшод Ирсалиев рақиб дарвозасини ишғол этди. 18-дақиқада эса Хорхе Абрил ўртадаги фарқни қисқартирди. Нодир Элибоевнинг 28-дақиқада йўллаган аниқ зарбасидан, шубҳасиз, ҳар бир юртдошимиз бирдек қувонгани аниқ. Бироқ 37-дақиқада ва баҳс тугашига ўн уч сония қолганда Ангелотт Каронинг дубли эвазига мезбонлар муқаррар мағлубиятдан қутулиб қолди. Шундай қилиб, учрашув 3:3 ҳисоби билан якунланди ва томонлар бир очкодан бўлишиб олди.

Кези келганда, дарвозабонимиз Рустам Умаровнинг хатти-ҳаракатларини ҳам алоҳида эътироф этиш ўринли. У ҳимоячиларимиз йўл қўйган хатолар туфайли колумбиялик футболчилар уюштирган бир неча хавфли ҳужумларни, кучли зарбаларни бартараф қилишни уддалади. Чет эл оммавий ахборот воситалари ҳам Рустамнинг маҳорати ҳақида кўпдан-кўп илиқ фикрлар билдиришмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси 16 сентябрь куни Португалия футболчилари билан куч синашади.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ДАВЛАТ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 3 августдаги 149-сонида эълон қилинган очиқ тендерга таклифлар қабул қилиш муддати 2016 йил 27 сентябрга қадар узайтирилганлигини маълум қилади.

Тендер савдоси тўғрисида қўшимча маълумотлар олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача тендер ишчи органи — «Sanoatneftegazmontajkonsalting» шуъба корхонасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси, 100115, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 98-уй.**
**Телефонлар: (+99871) 120-40-15, 280-50-32.**
**Электрон почта: sngmk@mail.ru**
**Буюртмачи ташкилот телефонлари: (+99871) 235-62-77, 233-42-81, 235-20-98.**

1396А/624

## «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 28 декабрдаги 15-1510/24198-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, «Найманча» ҚФЙ, Таргова қишлоғида жойлашган 37-сонли болалар боғчаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 285 715 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2014 йил 30 январдаги 1-19/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Баҳор кўчасида жойлашган новвойхона ва сомсахона («Чинор» чойхонаси) бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 246 598 564 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2014 йил 30 январдаги 1-19/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, Қашқир кўчаси, 1-уйда жойлашган Ёшлар маркази биносининг 1/2 қисми — клуб бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 288 128 873 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 19 октябрь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 17 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000300433601012, МФО: 01123, СТИР: 303179580.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Маърифат кўчаси, 21/1-уй.**
**Телефон: (+99895) 402-54-75.**
**www.emulk.uz**
**электрон почта: best.fergana@inbox.uz**

1397R/540

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 13 сентябрдаги № 19-03-22-06-ЎзР-56-2016-сонли реестри ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ЧАКАНА НАРХЛАР

**2016 йил 1 октябрдан жорий этилади.**

### УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Ушбу прейскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга таааллуқлидир.
2. Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан уй ва квартираларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.

   Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортиқ ёки кам қилиб белгиланган тақдирда, газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.
3. Истеъмолчи(абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситкич бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.
4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй(квартира)ларда фойдаланилган газ учун тўловлар ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прейскурантда белгиланган тариф бўйича тўланади.
5. Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан, вақтинча яшаётганлар ҳам ҳисобга олинади.
6. Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлаклар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.
7. Прейскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

   Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 кубометр қилиб белгиланган.

   Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда (43 $м^3$/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажм учун эса бир ярим баробар миқдорида тўланади.
8. Автоном сув иситкич ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ҳамда оранжереяларни иситиш, якка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандир, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечаю кундуз ишлаган газ ёқиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсуми учун тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.
9. Ушбу прейскурантнинг «Умумий кўрсатмалар»и, агар қўшимча прейскурантда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прейскурантларга ҳам тегишлидир.
10. Мазкур чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган (2016 йил 16 март, реестр № 19-03-22-06-ЎзР-7-2016) нархлар ўрнига 2016 йил 1 октябрдан жорий этилади.

### 1. АҲОЛИ ТОМОНИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР *)

| Т/р | Номи | Стандарт ёки ТУ | Ўлчов бирлиги | Ўлчов бирлиги тарифи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1.1 | Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ | ГОСТ 5542-87 | 10 $м^3$ | 2 461,00 |
| 1.2 | Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ: | | | |
| | овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун | -"- | 10 $м^3$ | 4 255,90 |
| | иситиш учун | -"- | 10 $м^3$ | 1 973,70 |

### 2. ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ ЙЎҚ ҲОЛАТДА КОММУНАЛ-РЎЗҒОР ЭҲТИЁЖЛАРИГА ИШЛАТИЛАДИГАН ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР (ГОСТ 5542-87)

| Т/р | Истеъмолчи тавсифи | Ўлчов бирлиги | Тариф бўйича тўловлар | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Йиллик *): | Ойлик |
| 2.1 | Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти бор уйларда овқат пишириш газ плиталари | Бир яшовчидан 11,0 $м^3$ | 56 178,00 | 4 681,50 |
| 2.2 | Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларда овқат пишириш газ плиталари | -"- 15,0 $м^3$ | 76 606,20 | 6 383,85 |
| 2.3 | Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситкичлар | -"- 16 $м^3$ | 81 713,40 | 6 809,45 |
| 2.4 | Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар, уй ва квартираларни беш ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига: | Иситиладиган хонанинг 1 $м^3$ учун | | |
| | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | Хонанинг 1 $м^3$ учун 6,0 $м^3$ | 5 921,00 | 1 184,20 |
| | Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда | Хонанинг 1 $м^3$ учун 5,76 $м^3$ | 5 684,25 | 1 136,85 |
| 2.5 | Дағал ва илдизмевали озуқаларни буғлаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда ҳайвонларга озуқа тайёрлаш | отга 5,6 $м^3$ | 28 599,60 | 2 383,30 |
| | | сигирга 23,7 $м^3$ | 121 038,00 | 10 086,50 |
| | | қўй (эчки)га 2,2 $м^3$ | 11 235,60 | 936,30 |
| | | чўчқага 12,5 $м^3$ | 63 838,80 | 5 319,90 |

***) Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.**

1400-2R/628

## ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,**

***Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 13 сентябрдаги 19-03-22-06-ЎзР-57-2016-сонли нархларни рўйхатга олиш реестрига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси улгуржи истеъмолчиларига (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналарига) етказиб бериладиган табиий газ нархи 2016 йил 1 октябрдан ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда,***

**1000 кубометри учун 246 100 сўм**

***қилиб белгиланди.***

**ЭСЛАТМА:**

1. *Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.*
2. *Улгуржи истеъмолчиларга (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналарига) табиий газнинг улгуржи нархи, унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар, ягона ҳисобланади.*
3. *Мазкур реестр кучга кириши билан улгуржи истеъмолчилар (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналари) учун амал қилаётган, 2016 йил 16 мартдаги 19-03-22-06-ЎзР-8-2016-сонли реестр ўз кучини йўқотади.*

1400-1R/628

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

## Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

**фармацевтик фаолиятга лицензияси бўлган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган фармацевтика компаниялари ҳамда ишлаб чиқарувчиларни қишлоқ врачлик пунктларида бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар, антисептик, дезинфекция воситалари ва реактивларнинг марказлашган ҳолда консолидар харидини ташкил этиш учун 2016 йил 15 октябрда ўтказиладиган очиқ тендер (танлов) савдоларига таклиф этади.**

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан нарх-наво преференциялари берилади.

**Тендер (танлов) таклифлари тендер комиссиясининг ишчи гуруҳига қуйидаги манзил бўйича юборилиши лозим:** Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Абдухолиқ Ғиждувоний кўчаси, 7-уй, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.

ҳ/р: 400121860064017950100054034,
СТИР: 201512148,
ОКОНХ: 97400,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармаси,
ҳ/р: 234302000300100001010,
Тошкент шаҳри, Марказий банк
МФО: 00014, СТИР: 201122919.
Телефонлар: (0-365) 221-21- 08, 221-21-15. Факс: (0-365) 221-24-11, 221-23-87.
E-mail: Buxoro.vssb@minzdrav.uz
Тендер ҳужжатлари баҳоси — 200 000 сўм.

**Тендер иштирокчилари ишчи гуруҳга ўз таклифларини 2016 йил 14 октябрь куни соат 18.00 (маҳаллий вақт билан)га қадар тақдим этишлари лозим (конвертнинг ташқи бетига ташкилотнинг квалификацион ҳужжатлари билан).**

1353А/611

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 912 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6